

Набий алайҳиссаломнинг муборак сўзлари



15:51 / 25.12.2023 2012

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам соғлик чоғларида: «Ҳеч бир набий жаннатдаги ўз ўрнини кўрмай туриб, ихтиёрига қўйилмай туриб, зинҳор қабз қилинмаган», дер эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига (ўша ҳолат) келгач, бошлари сонимда турганда у зот бир муддат ҳушларидан кетдилар. Сўнгра кўзларини очиб шифтга тикилдилар ва: «Аллоҳим! Рафиқи Аълога», дедилар. Шунда «У зот бизни ихтиёр қилмаётирлар», дедим ва соғлик вақтларида зикр қилган гапларининг нималигини билдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзлаган охириги сўз: «Аллоҳим! Рафиқи Аълога» дейиш бўлди».

Муслим ривоят қилган.